

**ОЛИМЛАРНИНГ АКАДЕМИК УСТОЗИ**  
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, “Буюк хизматлари учун”**  
**ордени соҳиби, академик Азизхон Қаюмов 90 ёшда**



Тошкент шаҳридан кунчиқар томонга қарасангиз, узоқ-узоқлардаги тоғларга кўзингиз тушади. Бу тоғлар, айниқса, қиш кунлари жуда тиниқ кўринади. Улар оқ бошли мўйсафидларга ўхшайди ва виқор билан савлат тўкиб, жимгина сизни кузатади. Мана шундай жимгина кузатишнинг ўзида олам-олам маъно борга ўхшайди. Ҳақиқатдан ҳам шундай, чунки уларнинг бағрида не-не сирлар яширинган, не-не хазиналар макон топган. Шунинг учун ҳам жуда кўп шахсларни, тушунчаларни, нарсаларни тоғларга менгзайдилар.

Буюк одамларнинг тақдири ҳақидаги маълумотлар, машҳур шахслар ҳаёти тарихий давр тараққиётида муҳим роль ўйнашини кўрсатади. Ана шундай шахслардан бири академик Азизхон Пўлатович Қаюмовдир. Уларга назари тушган одамнинг кўнглидан ажиб фикрлар ўтади: бу одам бугунги кунга келгунча қандай йўлни босиб ўтган экан? Шоира Турсуной Содикованинг ушбу мисралари бу фикрни ниҳоятда аниқ ифодалайди:

*Олис юз ёшимга нигоҳим ташлайман...  
 Не ишлар қўлимда, не жафо йўлимда,  
 Манзилга қай йўлдан борарман юриб?  
 Бу бари яширин, ҳам оғир, ҳам ширин,  
 Йиллар қанотига беркинибди жим...*

Азизхон домла ҳам ўз фаолиятини бошлаганларида, худди шундай хиссий вазият бўлганлиги аниқ. Устознинг илмий фаолияти 1949 йилда ЎзССР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида илмий ходимликдан бошланди.

Уларнинг ижодида Навоий асарларини тадқиқ қилиш, илмий ўрганиш ва нашрга тайёрлаш, уларни тарқатиш ва тарғиб қилиш, айниқса, ёшлар орасида Навоий ижодини кенгрок тарғиб қилиш бўйича олиб борган ишлари муҳим аҳамият касб этади. Домла Навоийнинг “Хамса” дostonларини кенг

китобхонлар оммасига мўлжаллаб шарҳлаган ҳолда содда, равон тилда талқин қилдилар. Навоий ижодини ёритиб, тушунтириб берувчи мақолалар, илмий-тадқиқот ишлари яратдилар. Улар Навоий юбилейларини тайёрлаш ва нишонлаш жараёнларида ҳам бош-қош бўлганлардан бири. Навоий ижодини мукамал билган инсон, олим сифатида аҳоли орасида турли воситалар орқали тарғибот ишлари ҳам олиб борадилар. “Нодир саҳифалар: Навоийнинг кам ўрганилган баъзи асарлари тўғрисида”(1991), “Навоийдан нур олиб: Машҳур адабиётшунос олим А.Ҳайитметов тўғрисида ҳикоя”(2002), ”Навоийга таъзим: Алишер Навоийнинг айрим ғазалларига мухаммаслар” мақолаларини ёзганлар. Азизхон домла Навоий асарларини тўплам қилиб нашр қилганлар: Асарлар: 1-жилд, 1-китоб. ”Ҳайрат ул-аброр” талқини; ”Фарҳод ва Ширин” сирлари (2008), 1-жилд, 2-китоб. Ишқ водийси чечаклари: “Лайли ва Мажнун”. Етти саёҳатчи: ”Садди Искандарий”(2008). 2-жилд: Навоийнинг “Қуш тили” достони: Гўзалликлар ва нодирликлар: (Навоийнинг “Бадойиъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-нихоя” девонлари тўғрисида)(2008). 3-жилд: ”Хамса” сарлавҳалари; ”Бадоеъ ул-васат”. Навоийнинг ҳаёт ва ижод йўли(2009). 4-жилд: Нодир саҳифалар(2009)”. Алишер Навоий” (Машҳур сиймолар ҳаёти). Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девони хусусида(2009) кабилар.

Устоз бўлажак олимларнинг илмий ишларига бевосита раҳбарлик вазифаларини ҳам бажариб келмоқда.

Уларнинг илмий фаолиятига, назар ташласак, қуйидагича манзара намоён бўлади:

1956 йил. “Махмур ижоди” мавзусида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди. Худди шу йили “Махмур” асарини ёзди.

1961 йил. “Қўқон адабий муҳити” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. Шундан сўнг ҳукуматнинг энг масъул лавозимларида ишлади ва қатор мукофотларга сазовор бўлди.

1975 йил. Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” асарининг талқинини яратди.

1976 йил. “Алишер Навоий” номли монографияси вужудга келди.

1977 йил. Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” асарини талқин этиб берди.

Азизхон домла Алишер Навоийнинг адабий меросини ўрганишга залворли ҳисса қўшди.

1979 йил ЎзССР ФА Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёмалар институтига директор этиб тайинланди. Бу йилдан устознинг ҳақиқий илмий фаолияти Қўлёмалар институтида жамланган кўпгина қўлёмаларнинг хусусиятларини ўрганиш билан бошланди ва беҳисоб мақолалар,

монографиялар, диссертациялар ёзилишига раҳнамо бўлдилар. (Қаранг: Бердиева З. Академик Азизхон Пўлатович Қаюмов(Биобиблиография), 90 йиллик юбилейига).

Азизхон Қаюмов илмий ишларни давлат ва жамоат ишлари билан бирга бир йўналишда олиб борганлар. Баъзилар илмий унвонли одамларга раҳбарлик лавозимида ишлаш тўғри келмайди, деб ҳисоблайдилар. Азизхон домла бундай эмаслигини исботлаб бердилар. Шуни таъкидлаш лозимки, Азизхон домла ҳақида ёзиш ниҳоятда мураккаб. Бунинг сабаби шундаки, Ўзбекистон ФА нинг илмий кутубхонаси директори Зухра Бердиева тузган “Азизхон Қаюмов: биобиблиографик кўрсаткич”да берилишича, 600 га яқин номдаги адабиёт бевосита ёки билвосита академик олим А.Қаюмовнинг номи билан боғлиқ. Уларнинг аксарияти Азизхон Қаюмов томонидан берилган шарҳлар, муқаддималар, нашрга тайёрланган асарлар, таржималар, талқинлар, рус тилидаги асарлар, шеърлар, ғазаллар ва ҳ.о.

Шу маълумотлар эътиборга сазоворки, домла Азиз Қаюмов ижодининг дастлабки босқичларида шеърлар ҳам ёзганлар. Масалан, “Гўзал пойтахт”, “Матбуот қиссаси”, “Минг яшасин давр ила давронимиз”, “Улуғимсан”, “Ватан мадҳияси”, “Байрамимиздур бугун”, “Кураш таронаси”, “Ватанпарвар аёлларга”, “Ғалаба таронаси”, “Шавкат-шоним Армиям”, “Ўзбекистоним”, “Фаҳрим ортар” кабиларни кўрсатишимиз мумкин. Агар уларнинг сарлавҳасига ва мазмунига эътибор берилса, кўринадикки, бу шеърлар ижтимоий лирикага мансуб. Демак, устоз А.Қаюмовнинг юраги давлат ва шеърият дарди билан ёнган, шу дарднинг давосини куйлаганлар. Яна шуни таъкидлаш лозимки, улар ҳеч қачон шеър машқ қилишни ташламаганлар. Мана шу машқлар самараси туфайли 2016 йилда “Азизий. “Навоийга таъзим” номли тўплам вужудга келди. Унда академик олим Азиз Қаюмов (Азизий) домланинг ғазаллари, мухаммаслари тўпланган. “Манзумаларнинг лирик қаҳрамони севги, вафодорлик, эзгулик ва ишқ идеалларига садоқатдир”. Кўринадикки, ҳазрат Навоий ғазаллари Азизхон домланинг қалбидаги муҳаббат торларини чертиб юборган ва уларнинг ҳиссиётлари ифодаси бўлмиш ижод намуналари булоқнинг кўзидан отилаётган шаффоф зарралардек намоён бўла бошлаган.

Уларнинг мақолалари ҳам ижтимоий мавзуда ёзилган. Айрим мисоллар келтирамиз: “Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева: Тошкент тўқимачилик комбинати ип йигирувчиси ҳақида”(1972), ”Қадимият обидалари: (Ёзма адабий ёдгорликлар ҳақида) (1972), “Ҳаёт ва маданият: Ўзбекистон маданий ҳаётидан айрим лавҳалар” (1984 ), “Замон ва маросимлар”(1986), ”Баҳор байрами – Наврўз”(1990), “Музей ишининг фидойиси: Нафисахон Содикова ҳақида”(2000),” “Кўлёмалар хазинабони:

Қ.Муниров ҳақида ҳикоя”(2001), “Шарқ факультети бағрида”(2009), “Бу оҳанг ила бўлғасен, Нақшбанд...”(1993) кабилар. Буюк одамларнинг тақдири ҳақидаги маълумотлар, машҳур шахслар ҳаёти тарихий давр тараккиётида муҳим роль ўйнашини кўрсатади. Академик Азиз Қаюмов Ўзбекистоннинг деярли барча академиклари ҳақида ёзганлар: “Билим жонкуяри: Академик Убайдулла Каримов тўғрисида” (1999), Академик Ғафур Ғулом: (хотиралар)”(2002)”, Академик Аҳмадали Асқаров”(2003), “Академик Воҳид Зоҳидов:(Хотиралар)”(2004), “Академик Ойбек: (Хотиралар, қайдлар)”(2005), “Академик Раҳима Аминова: (Хотиралар) (2006”) кабилар. Бу мақолалар, бир томондан, Мустақил Ўзбекистон академиклари билан жамоатчиликни таништирилса, иккинчи томондан, уларнинг фаолиятлари ибрат сифатида кўрсатилади.

Бундай мақолалар ҳам жамиятимизнинг барча соҳаларига оид бўлиб, устознинг синчков кузатувчанлиги ҳар бир даврнинг долзарб муаммоларини тезда илғаб олиб, унга тезкорлик билан жавоб беришини кўрсатади.

Академик Азизхон Қаюмовни буюк мутафаккир, ғазал бўстонининг султони Алишер Навоийга ўхшатадилар. Устоз умри давомида ҳазрат Навоий асарларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этдилар ва Ўзбекистон халқига, илмий жамоатчиликка буюк шоир асарларининг талқинини етказиб турдилар. Навоий асарларини ўрганиш жараёнида унинг ғазалларида ифодаланган шоир шахсиятига, руҳий оламига хос жиҳатлар домланинг руҳиятига сингиб борган, десак муболаға бўлмайди. Мана шу хусусиятни барча қаламкашлар чуқур ҳис қилар эди. Кунлардан бир куни Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Ориповнинг уйида бўлиб турадиган мушоирада бу ҳақда гап бўлиб, А.Орипов шундай деган эдилар: “Агар мўъжиза юз бериб, Алишер Навоий тирилиб келадиган бўлиб қолса-ю, уни Тошкент вокзалида кутиб олиш лозим бўлиб, кимни чиқариш ҳақида гап кетса, албатта, ҳамма бир овоздан “Азизхон Қаюмов” деган бўлар эди”, – дедилар.

Энди Азизхон домлага шундай тавсиф берилишига сабаб бўлган омилларга тўхталайлик. Устознинг Алишер Навоий ижодини ўрганиши 1975 йилдан бошланган. Биринчи ишлари “Хамса” асарига кирувчи 175 саҳифадан иборат бўлган “Садди Искандарий” достонининг талқини ва насрий баёни эди. Сўнгра “Алишер Навоий: шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида лавҳалар” бўлиб, у ҳам каттагина – 158 саҳифадан иборат эди. Аста-секин “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Ишқ водийси чечаклари: Алишер Навоий ижоди ҳақида” ва шу каби қатор асарлар яратдилар. Устознинг ҳазрат Навоийга бағишланган асарлари 100дан ортиқ монография ва мақолалардир. Алишер Навоий тўпламларига ёзилган сўзбоши, шоир ижоди бўйича

яратилган тадқиқот ишларига берилган тақризлар боғаяқин. Шунингдек, Навоий асарларини чоп этиш бўйича таҳрир ҳайъати аъзоси ва масъул муҳаррир ҳам бўлганлар.

1981–1994 йилларда Навоий ижоди бўйича ёзилган 8та кандидатлик диссертациясига илмий раҳбарлик қилганлар, бир докторлик диссертациясига расмий оппонент бўлганлар.

Алишер Навоий ижоди билан бундай алоқадорлик устознинг сийрат ва суратига баракали таъсир кўрсатган. Шунинг учун ҳам илм одамларига ҳамиша раҳнамолик қилганлар ва ғамхўр бўлганлар. Буларнинг ҳаммаси устознинг юз ифодаларида чуқур донишмандлик, хатти-харакатларида мардонаворлик ва жавонмардлик, қарор чиқаришда кўп қиррали билимдонлик ифодаланишига олиб келган.

Академик Азизхон Қаюмов нафақат ҳазрат Навоий, балки узок ўтмишдошларимиз Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал Фарғоний, Амир Темур, Фузулий, Лохутий каби; яқин ўтмишдошлардан Пўлатжон Қаюмий, Махмур, Ҳозик, Ғозий, Фурқат, Завқий, Нодира, Увайсий каби юзлаб ижодкорларнинг асарлари, Ватан, эл-юрт олдида қилган хизматлари юзасидан олиб борган тадқиқотлари ўзбек ва бошқа миллат вакиллари учун бебаҳо хазинадир. Бу илмий маълумотлар жаҳон цивилизацияси (тамаддуни) тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Азизхон домла, нафақат, илм билан шуғулланганлар, балки ҳазрат Навоий каби давлат ишларида ҳам жонкуярлик билан ишлаганлар. Уларнинг ижтимоий фаолиятини кузатайлик: 1954–1957 йилларда Ўзбекистон Республикаси маданият ходимлари касаба уюшмаси раиси, 1957–58 йилларда ЎзССР Министрлар Советининг фан ва олий ўқув юртлари бўйича катта референт, 1958–1961 йилларда собиқ Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетида фан, олий ўқув юртлари, мактаблар бўлими мудирлари лавозимларида ишлаганлар. 1963–1964 йилларда ЎзССР Маданият министри, сўнгра министр ўринбосари, 1964–1974 йилларда ЎзССР Министрлар Советининг Кинематография давлат комитети раиси, 1974–1979 йилларда Тошкент давлат маданият институти ректори, 1979 йилдан ЎзССР ФА Ҳ.С. Сулаймонов номидаги Кўлёмалар институти директори вазифаларида фаолият юритганлар. Маълум бўладики, устоз Азизхон Қаюмовни давлат қайси ташкилотнинг ишларини йўлга қўйиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш лозим бўлса, ўша ерга юборади, устоз эса ўзига билдирилган ишончга масъулият билан ёндашиб, топшириқни аъло даражада бажарганлар. Лекин улар илм билан шуғулланишни қанда қилмаганлар. Бу ҳақдаги юқоридаги маълумотлар фикримизнинг далилидир.

Академик Азиз Қаюмовнинг меҳнатлари давлат томонидан беэътибор қолмади. Уларнинг давлат ва жамият олдидagi хизматлари муносиб тақдирланиб борилди:

1948 йилда уларга собиқ Комсомолнинг 30 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Олий Советининг Фахрий ёрлиғи берилди. 1955 йил “Меҳнатда ўрнатқ кўрсатганлиги учун” медали билан, 1962 йил “Ўрнатқ белгиси” ордени билан тақдирланди. 1967 йил Белоруссия Ҳукуматининг Фахрий ёрлиғи берилди. 1974 йил 2-мартга “Ўрнатқ белгиси” орденига сазовор бўлдилар. 1977 йил уларга 2-мартга Ўзбекистон Олий Советининг Фахрий ёрлиғи берилди. 1980 йил “Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси” мукофотини олдилар. 1983 йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилди. 1989 йил Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси бўлдилар.

Айниқса, Мустақил Ўзбекистон давлати Азизхон домла Қаюмовни муносиб тақдирлади. 1995 йилда улар Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги бўлдилар. Шу йилда “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони, “Шуҳрат” ва “Ғалабанинг 50 йиллиги” медаллари билан мукофотланди. 2003 йил унга “Эл-юрт ҳурмати” ордени берилди. 2015 йилда давлатимизнинг олий мукофотларидан бири “Буюк хизматлари учун” орденига сазовор бўлдилар.

Биз нима учун устознинг мукофот олган саналарини батафсил келтирдик. Бунинг сабаби шундаки, машҳур тарихий шахсларнинг ҳаёт йўли ҳақидаги маълумотларни билиш нафақат қизиқарли, балки ибратли ҳамдир. Бу маълумотлар билан танишган инсоннинг дунёқараши кенгайди, унинг онгида фикрлаш малакаси мустаҳкамланади, буюк шахсларга ўхшашлик туйғусини пайдо қилади. Шу билан бирга ҳар бир инсон ўзининг ҳаёт фаолиятини ташкил қилишда нималарга риоя қилиш кераклиги, нималардан четланиш лозимлиги бўйича йўлланма олади

Шуни таъкидлаш лозимки, инсонларнинг машҳур ва буюк бўлишида уларнинг ақли, таланти, тақдири ва жасоратигина роль ўйнамайди, балки уларнинг ҳаётий ва ижтимоий фаолияти, хизматлари халқ ва давлат тарихида муносиб ўрин тутсагина, уларни халқ унутмайди, уларнинг номлари тарихда мангу қолади ва барча авлодлар учун ҳамиша намуна бўлиб хизмат қилади. Бундай шахсларнинг ҳаёти ва характерини ўрганиш аниқ олинган тарихий давр силсиласи қонуниятлари, ҳар бир давр қандай қаҳрамонларни етиштириши мумкинлиги ҳақида тасаввур уйғотади. Шунингдек, ҳаёт йўлларида учраши мумкин бўлган тўсиқларни, хавф-хатарни бартараф қилишга, тинчлик, фаровонлик йўлида мақсадидан оғишмай тадбиркорона меҳнат қилишга ўргатади. Машҳур шахсларнинг биографияси шунинг учун ҳам одамларни бунёдкорлик ишларига отлантиради. Гарчи бундай ҳаёт йўли

замонамиздан анча олисда бўлиб кўринса ҳам биз билан бирга кадам ташлайди.

Зеро, Азизхон Қаюмовнинг юқорида келтирилган ҳаётий ва ижодий фаолияти саналари икки аср оралиғидаги, яъни XX ва XXI асрда кечган тарихий воқелик ҳақида маълумот берувчи бой фактик материал бўлиб хизмат қилади, чунки уларнинг салкам бир асрлик ҳаёти ва фаолияти ниҳоятда воқеаларга бой, уларнинг қаламига оид илмий ишлар беқиёс даражада кўп. Уларни бир тизимга солиб таҳлил қилиш ҳам ўта мураккаб. Уларнинг давлат ташкилотларида ишлаганлари, яратган илмий асарлари устознинг ўз юртига, ўз халқига қилган беминнат хизматларини намоён этади. Улар билан танишган одамда ҳам Азизхон домла каби ўзининг билимларини, бутун кучини, иродасини муқаддас Ватанининг равнақи, бутун инсониятнинг ёрқин идеали учун сарфлаш олий даражадаги бурч эканлигини англашга имкон туғдиради.

Муҳтарам устоз Азизхон Қаюмов! Сизга илм тоғининг хазиналарини кашф этишда ақл-заковатингизга туганмас қувватни, метин саломатлик, чинордек узок умр кўришгизни чин қалбдан тилайман!

**Саодат Султонсаидова,**  
филология фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси.